

XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ ЭТНОМАДАНИЙ МУҲИТИДА ҚИРҚЛАР ВА ҚАНҒЛИЛАР

Алманов Қахрамон Облоқулович

ГулДУ Тарих кафедраси доценти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7434293>

Аннотация. Ушбу мақолада муаллиф XIX аср охири – XX аср бошларида Жиззах воҳаси этномаданий муҳитида қирқлар ва қанғлиларнинг жойлашуви ва уларнинг этномаданий жараёнлардаги иштироки каби масалалар бўйича бир қанча фикрларни бериб ўтади.

Калит сўзлар: Санзор – Зомин, Жиззах, этноним, топоним, қирқ, қанғли, К.Шониёзов, Чубар, Қора, Холтой, Жомбой, Ургут, Булунгур, Каркез (Галлаорол), Боёвут, Бахмал, Д. Ю. Арапов, В. П. Наливкин, С. П. Поляков.

В КОНЦЕ 19 - НАЧАЛЕ 20 ВЕКА КЫРКИ И КАНГЛЫ В ЭТНОКУЛЬТУРНОЙ СРЕДЕ ДЖИЗАКСКОГО ОАЗИСА

Абстрактный. В данной статье автор приводит несколько мнений по таким вопросам, как место кыргызов и кангли в этнокультурной среде Джизакского оазиса в конце XIX - начале XX века, их участие в этнокультурном процессе.

Ключевые слова: Санзор-Зомин, Джизак, этноним, топоним, кырк, кангли, К. Шониёзов, Чубар, Кара, Холтой, Жомбой, Ургут, Булунг'ур, Каркез (Галлаорол), Бойовут, Бахмал, Д. Ю. Арапов, В. П. Наливкин, С. П. Поляков.

AT THE END OF THE 19TH - BEGINNING OF THE 20TH CENTURIES KYRK AND KANGLY IN THE ETHNOCULTURAL ENVIRONMENT OF JIZZAKH OASIS

Abstract. In this article, the author gives several opinions on issues such as the location of the Kirgyi and Kangli people in the ethnocultural environment of the Jizzakh oasis at the end of the 19th century and the beginning of the 20th century, and their participation in the ethnocultural processes.

Keywords: Sangzor - Zomin, Jizzakh, ethnonym, toponym, qirq, kangli, K. Shoniyo'zov, Chubar, Kara, Kholtoy, Jomboy, Urgut, Bulung'ur, Karkez (Gallaorol), Boyovut, Bakhmal, D. Yu. Arapov, V. P. Nalivkin, S. P. Polyakov.

Ўзбек халқи давлатчилиги тарихида Жиззах воҳаси ва унинг таркибий бир қисми бўлмиш Санзор – Зомин минтақаси ўзига ҳос ўринга эга. Яқин ўтмишда воҳадаги аҳолининг этник таркибини ўрганиш асносида минтақада қирқ ва қанғли уруғларининг ўрни Марказий Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихида муҳим ўрин эгаллаганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу уруғлар вакилларининг ўзлари яшаб келаётган ҳудудларда бир неча асрлар мобайнида ҳаёт кечириб мазкур ҳудудда (Санзор – Зомин) дарё ва сой бўйларида ўзларининг ажиб тарихини яратганлигини кўришимиз мумкин.

Воҳа тарихини турли манбалар асосида ўрганган тадқиқотчилар 92 бовли ўзбек уруғларининг катта гуруҳини ташкил этадиган қирқ ва қанғли уруғи тарихига турлича фикр мулоҳазаларини билдириб ўтишади. Демак, воҳанинг этномаданий муҳитини ўрганиш халқимиз давлатчилиги тарихини ёритишда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур мақолада XIX аср охири XX аср бошларида Жиззах воҳаси этномаданий муҳитида қирқлар ва қанғлилар, тўғрисида баъзи бир фикрларни бериб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Шуни алоҳида такидлашимиз керакки, давлатчилик тарихимизнинг советлар тамонидан истило қилинган даврида (XIX аср охири) юртимизда юз берган этник жараёнларга маълум бир ракурсларда этибор берилган[1], аммо қирқ ва қангли уруғлари мисолида алоҳида диққат қилинмаган. Маълумки, мазкур воҳа географик жиҳатдан, асосан, бугунги Ўзбекистон ҳудудига ва қисман Қирғизистон, Тожикистон ва Қозоғистонга тўғри келади.

Шу ўринда қанглиларнинг келиб чиқиши ва уларнинг ўзбек халқи этник тарихида тутган ўрни масаласи бир қанча этнологик тадқиқотларда ва тарихий манбаларда маълум маънода ўз аксини топганлигини ҳам айтиб ўтишимиз керак[2]. Аммо қирқлар тўғрисида бундай фикрлар билдира олмаймиз. Қирқлар туркий тилли қабила бўлиб кўпгина муаллифларнинг этирофича, дастлаб ҳарбий қисм сифатида шаклланган, кейинчалик вақт ўтиши билан ўзбеклар, қорақалпоқлар, қозоқлар ва туркманлар таркибига кирган деган бирламчи фикрлар ҳам мавжудлигини тадқиқотимиз жараёнида кузатдик. Қирқ уруғи тўғрисидаги дастлабки маълумотлар тадқиқотчи Т.И. Султанов XVI асрда яшаган Мулла Сайфиддин Ахсикандий ва унинг ўғли Нур (ёки Наврўз) томонидан битилган "Мажмуа ат-таворих", ва қўқонлик савдогар Аваз Муҳаммад томонидан ёзилган "Тухфат ат-таворихи хоний" асарида учрайди[3]. Ушбу асарларнинг муаллифлари "Таворихи Моғолия" ва "Таворихи зубдат ал-Башар" қўлёзмаларига асосланиб туркий қабилаларнинг келиб чиқиши тарихи ва 92 бовли ўзбек уруғи ҳақида ўзларининг маълумотларини бериб ўтади[4]. Юқорида келтирилган икки асардан ташқари "Насабнома" (шажара)ларда ҳам 92 бовли ўзбек уруғларининг номлари келтириб ўтилади. "Насабнома"ларнинг ҳам бир қанча нусхалари мавжуд бўлган Жомбой, Ургут, Булунгур, Каркез (Ғаллаорол), Боёвут қабилар. Бу нусхалар ўша ҳудудда яшаётган уруғнинг вакиллари тамонидан ўз шажараларини тузиш асносида яратилган бўлиб, айрим тафовутларни бир бирига зид фикрларни келтириб чиқаради. Аммо бу каби тафовутлар бу насабномаларнинг уруғ тарихи ва этник бирликларга бўлиниши каби мавзуларга оид қимматли манбалар сарасига киритиш мумкин. Бугунги Жиззах воҳаси қирқ уруғи ва қангли уруғи вакиллари томонидан ҳам шунга ўхшаш насабномалар яратилмоқда. Бунга мисол қилиб Чубар элида яшаётган қирқ уруғининг Сўлоқой девонбеги шажараси тўғрисидаги насабномани айтиб ўтишимиз мумкин. Бу каби насабномалар турли илмий фактлар асосида ёзилмаган бўлса-да уруғ ва унинг турли тармоқларга бўлиниши тўғрисида қимматли манба бўлиб келажак авлод учун муҳим манба бўлиб ҳизмат қилишини айтишимиз зарурдир. Юқорида келтирилган манбаларда қирқ уруғи 92 бовли ўзбек қабилалари рўйхатида учинчи ўринда келтириб ўтилади[5].

Кўпгина тадқиқотчилар "қирқ" сўзини туркийча сўз деб қарайдилар ва уруғ номини ҳам қадимий туркий уруғлардан бири эканлигини этироф этишади. Қирқ уруғи Чингизхон қўшинларининг таркибидаги ҳарбий бирликлар ва мўғуллардан олдинги туркий тилли қабилалар орасида учрамайди. Тадқиқотчи Ч. Валихоновнинг тадқиқотларига қарайдиган бўлсак, у 96 та ўзбек уруғи ҳақида маълумотлар бериб, Минг, Юз ва Қирқлар қадимги туркларнинг авлоди эди деб такидлаб ўтади[6]. Д. Ю. Арапов, В. П. Наливкин, С. П. Поляковларнинг такидлашича, бу уруғ (қирқ) қадимий туркий қабила ва уруғларидан бири, бунга ҳеч қандай шак-шубҳа йўқдир[7]. Элшунос олима С.С. Губаева ҳам ўзининг Фарғонада аҳолисининг этник таркиби бўйича олиб борган тадқиқотида "Фарғонада ўзбек этносининг шаклланишида қирқлар ҳам иштирок этган" деб фикр билдириб, қирқлардан иборат иккита гуруҳ Қўқонда мавжуд бўлган деб ёзади[8]. Шунингдек қирқлар тўғрисида

яна бир маълумот диққатимизни тортди. Яъни қирқлар, Бухоро амирлиги лашкарлари таркибида бўлган ва амирларнинг тож кийиш маросимида қатнашган деган фикрлар ҳам қирқ уруғи вакилларининг воҳа халқлари орасида анча нуфузли бўлганлигидан далолат беради[9].

Жиззах воҳасидаги Сангзор дарёси бўйлари ва унинг ўрта оқимида яшовчи қирқ уруғи вакиллари истиқомат қиладиган Чубар элининг Сўлоқой тўпи вакиллари ўзларининг Сўлоқой девонбеги шажараси тўғрисидаги насабномасида ёзилишича, ўзларининг энг катта отаси ҳисобланган, Сўлоқой девонбеги Бухоро амирлигининг саройида катта лавозимда ҳизмат қилган. Бу эса ушбу ҳудуд маҳаллий аҳолиси орасида сақланиб қолган айрим ривоятларнинг негизида бирмунча жон борлигини кўрсатиб турибди[10]. Шунингдек, айрим манбаларда қирқ ва юз битта бўлган булар битта умумий ном деб қаралувчи фикрлар ҳам мавжуд[11]. Ушбу икки уруғ умумий ном билан Марқа деб аталаган бўлиши мумкин деган фикрларни В.В. Радлов ўзининг тадқиқотларида таъкидлаб ўтган[12]. Бу қабилалар, бизнингча, доимо ёнма-ён қўшни бўлиб, ўзаро иттифокда ҳаёт кечириб келган. Бугунги воҳа қирқларининг турли тармоқларга бўлинишига ҳам қарайдиган бўлсак, қирқ ва юз уруғининг тўпларга бўлинишида ўзаро ўхшашликлар борлиги кўзга ташланади. Бу каби маълумотлар рус тадқиқотчилари Хорошхин, Гребенкина, В. В. Радловларнинг (1888)т адқиқотларида ҳам келтириб ўтилган. Шунингдек юкоридаги рус тадқиқотчиларининг тадқиқотларини таҳлил қилган Аристов қирқларнинг яшаш ҳудуди Жиззах уезди ва Янгикўрғон тумани эканлигини такидлайди.

Тадқиқотчиларга кўра қирқ уруғининг шахобчалари қуйидагича кўринишларда бўлган.

Гребенкин бўйича 5 та

Олмасувон қирқ

Карамзақирқ

Чурхунду

Окқўйли чўмишли қирқ

Олмасувон куёвуч.

В. В. Радлов бўйича (1888) қирқлар қуйидаги 4 та тўпларга (тармоқ - шох) бўлинади (Радлов юз ва қирқлар битта ном билан Марқа деб ҳам аталади деб такидлайди):

Қорақўйли

Қорача

Қорасирок

Чапарашли

Аристов бўйича қирқлар қуйидаги 4 та тўпга бўлинади[13].

Қорақўйли

Қорача

Қорасирок

Чапарашли

Юз уруғининг вакили ҳисобланган тилшунос олим Х . Дониёровнинг тадқиқотларида қирқ уруғи ва уларнинг турли шохларга бўлиниши, жойлашув ўрни тўғрисидаги фикрлари воҳа қирқларининг тарихи тўғрисида муҳим манба бўлиб ҳизмат қилади. Муаллифнинг такидлашича, қирқ уруғи 6 та шохларга, яъни (бизнингча тўп)

бўлинган. Улар асосан Булунғур, Ғаллаорол, Зомин, Жиззах, Ўратепа ва Бекобод атрофларида яшаган.

Х. Дониёров бўйича (1968) қирқлар қуйидаги 6 та тўпларга (шоҳ) бўлинади:

қорақўйли,
қорача,
молтоп,
мулкуш,
чапрашли,
чорткесар

Фикримизча, воҳа қирқлари жами 7 та катта бўлакка бўлинган бўлиб булар қуйидагилардир.

Қора қўйли
Қорача
Молтоп- малкуш
Чапарашли
Чўрткесар
Тўқчора
Чувиллок.

Юқорида келтирилган тадқиқотчилар ва бизнинг изланишларимизда ўзаро умумийлик ва бир-бирига боғланидиган ўзаро ўхшашлик мавжуд. Барча тадқиқотчилар бу уруғ тармоқларининг яшаш манзилени бир хил жойда кўрсатган, аммо турли бўлақларга бўлинишида бир қанча фарқлиликларни кузатамиз.

Х. Дониёров қирқлар, юз уруғининг укаси эканлигини минг, юз, ва қирқлар сиёсий бирлашмалар натижасида вужудга келган этник бирликлар сифатида олинганлигини айтиб қабила деб аташ тўғрироқ бўлади деган фикрларни билдириб ўтади[14]. Ушбу тадқиқотчининг дала тадқиқотлари натижасида олган маълумотларига қараганимизда қирқ уруғи Ғаллаорол туманинг Узунбулоқ қишлоғининг ўзида қорача тўпи 4 та тармоққа бўлинган – *балқи, жанги (янги), чекли, (кўч чекли), чўвуллоқ*, Молтоп бўлаги ҳам 4 га бўлинган - *бой тўпи, кавуш тўпи, оюв (айиқ) тўпи, беклар*. Шунингдек, Х. Дониёров Ғаллаорол, Жиззах ва Булунғур ҳудудларида *туя бош, кўк гумбаз қирқ, сугунбой, қуёнқулоқли, қошқабулоқ, тўқ чўра, уч қиз, қўш қавут қирқ, қора чивар* ўювлиларга бўлиниб яшайди, деб такидлаб ўтади, бироқ ушбу тадқиқотчининг ушбу тармоқлар ичида *қора чивар* қирқнинг ичига кирмайди[15] деган фикрига кўшила олмаймиз. Бугунги Ғаллаорол ва Бахмал туманида яшайдиган бу уруғ вакилларининг тўпларга бўлиниши ва ўз тўплари номи билан аталадиган қишлоқларда истиқомат қилишини дала тадқиқотларимиз натижасида гувоҳи бўлдик[16].

Бугунги Бахмал туманининг Қора, Чибар, Холтой, Ўдамали қишлоқларида яшаётган ўзларини қирқ уруғининг вакиллари деб билувчи уруғнинг оқсоқоллари билан суҳбатимиз чоғида бу қишлоқларга ота-боболаримиз XIX асрнинг бошларида кўчиб келишган ва бу жойлардаги яйловларни Самарқанд ҳукумдорларидан сотиб олган деган фикрлари бизни тадқиқ қилаётган ишимизни чуқурроқ таҳлил этишга ундади[17]. Бу фикрларни асослашимиз учун ўлкага ташриф буюриб тадқиқот олиб борган Н.М. Вирскийнинг тадқиқотларини келтириб ўтмоқчимиз. У келтирган маълумотларда бу қишлоқларда қирқ уруғи вакиллари истиқомат қилиши таъкидланган[18]. Кекса

оқсоқолларнинг айтишига қараганда, Чубар элида яшовчи қирқ уруғининг қора қўйли бўлагидан ажралган 3 та катта тўп ва шуларнинг ичидан ажралиб чиққан яна 4 та майда тўп борлигини этнографик дала тадқиқотларимиз натижасида аниқладик. Булар қирқнинг қорақўйли бўлагидан тарқалган бўлиб, Сўлоқой, Шарлик (Шаҳарлик), Боққиши (боғи бор ёки бахил, ёт киши деб тарифланади), шуларнинг ичидан ажралиб чиққан Телпакбой, Мохов (Баймоқ) Эшим, Ёр тўп кабилар. Бу тўпларга бўлинишда асосан 7 отага бориб тақаладиганлар алоҳида-алоҳида бўлганлар. Айтишларича, Чубар элида яшаётган бу тўп вакиллари XIX асрнинг охирлари рус босқинидан сўнг ва XX асрнинг бошларида жуда катта қаҳатчиликга дуч келишган экан, шунда уруғнинг энг бойи одамларни боқиш учун ўзининг бутун чорвасини сўйиб одамларга гўшт тарқатган, чорваси тамом бўлгандан сўнг эса очарчиликга қарши ажриқ томирларини қайнатиб таом сифатида тановул қилишган. Очарчиликлар одамларни бошқа худудларга кўчишига сабабчи бўлди, деб такидлайди оқсоқоллар. Натижада ўзлари борган худудларда янги жойларни ўзлаштириб, ўзларининг тўплари ёки аввалги яшаб турган қишлоғи номи билан аталадиган манзилгоҳларга асос солишган.

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида бунга ўхшаш аҳоли манзиллари бор. Бунга яна бир мисол қилиб Балхи қишлоғини кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Ушбу қишлоқ аҳолиси асосан Балхи уруғи вакиллари тамонидан асос солинган. Вақт ўтиши билан эса балхи уруғи вакиллари бу қишлоқ худудини тарқ этишган, уларнинг ўрнига Ўдамали қишлоғидаги қирқ уруғининг *Банги тўпи* (А. Каттабековнинг айтишига кўра, қўп чекувчи бўлган) вакиллари келиб жойлашган. Бу ерда битта-иккита Балхи уруғи вакиллари сақланиб қолган[19]. Энди иккинчи йирик қишлоқ Қора қишлоғидаги этник бўлинишлар тўғрисида сўз юритсак. Жиззах уездининг Қорақишлоқ волости ҳам бўлган унинг номидан олинган бўлса керак қадимий туркий халқларда “қора” сўзи улуғ буюк деган манони билдиради. Бу қишлоқнинг яна бир номи Н.М. Вирскийнинг келтириб ўтган маълумотларида Беш қўриқ деб ҳам номлангани тилга олинади[20]. Юқорида номлари келтирилган қишлоқ оқсоқолларининг айтишича, бу қишлоқларнинг номланиши уруғнинг энг катта бой кишисининг 3 та ўғли бўлади – уларга Қора, Холтой (холи бор той), Чубар (ола-бўла - чипор) от бериб “ўз манзилларининг барпо қилинганлар” деган экан, шундан бу қишлоқларнинг тарихи бошланган[21]. Шу номлар билан аталадиган уруғнинг тўплари борлигини бу номлар этнонимга айланганлигини У. Тўйчиев, А. Маликовлар ўзларининг фундаментал тадқиқотларида такидлаб ўтган[22].

Ушбу қишлоқда “қора” номи этник гуруҳининг қуйидаги тўплари яшашганлигини дала тадқиқотларимиз натижасида уруғнинг кекса оқсоқоллари Эгамбердиев Ҳаким, Марқаев Мирсаид, Маматқулов Сафор боболар берган маълумотларга таяниб айтиб ўтмоқчимиз. Полвон, (Бошмоқ) Бошмортоқ, Қарға, кабилар. Холтойнинг рус манбаларида Қалтай деган номлари ҳам учрайди[23]. Банги тўп (Ўдамали ва Қирққишлоқ), Қулчибой, Ясовул тўп (Сайхунобод ва Сардоба туманларида, Дўстлик, Булунғур (Бот бот қишлоғи) Ўдамали қишлоғида яшовчи қирқ уруғи вакиллари ҳам ўзларини жами 6 та тўпга бўлинишини айтиб, улар: 1. Банги тўп, 2. Мўллатўп, 3. Сангаби тўп, 4. Галабосар (Бешкал) 5. Ших (Шикрайган), 6. Сбуту, Қирққишлоқ қишлоғида ҳам шу каби тўплар ва Мечкай тўп истиқомат қилиб келаётганини таъкидлашди. Абдурахмон бобо Каттабековнинг айтишига қараганда, булардан дастлабки 5 таси, Сангзор дарёсининг ўнг ва сўл тамонларидаги Ўдамали ва Балқи қишлоқларида яшашган. Сбуту тўпи эса, Ғаллаорол ва

Бахмал туманидаги бошқа қишлоқларда яшаган. Кекса оқсоқолнинг яна тақидлашича, бу қишлоқларда яшаётган уруғнинг тармоқ – шохлари бўлинишида кейинги авлод вакиллари томонидан бир қанча чалкашликларга ҳам учраган. У кишининг айтишича, Галабосар тўпи ўзларини Бойбулувли ва Ўртаовулга бўлиб олишган, аслида уларнинг умумий номи Беш кал бўлган, уларнинг ёши катта оқсоқолларидан сўрасангиз бу маълумотларни тасдиқлайди. Бу тўплар тўғрисида Н.М. Вирскийнинг тадқиқотларида тўхталиб ўтилган[24].

Шунингдек, Ших тўпи тўғрисида Гребенкиннинг тадқиқотларида ҳам эслатиб ўтилади. Ғаллаорол туманининг Қўйтош, Соврук, Ўгат (бир қисмида туркман уруғи яшайди), Муқри, Кариз қишлоқларида Чўрткесар, Қорақўйли, Сойлик каби қирқ уруғининг бир отадан тарқалган, яъни тўплари яшайди (*7 пушти бир бўлганлар етти отасини билиб ўзларини алоҳида шохга бўлиб олишлар жуда кўплаб учрайди*). Бу номлар аллақачон этнотопонимга айланган, чунки улар ўз манзилларини ўз тўпи номи билан аташганлиги ҳам бу нарсани исботлаб турибди. Бу каби маълумотларни дала тадқиқотларимиз натижасида уруғнинг кекса оқсоқоли С. Ботиров ҳам таъкидлаб ўтди. Шунингдек бу уруғининг бўлақларидан иборат бўлган яна бир қанча аҳоли манзилгоҳлари Зомин туманида ҳам учрашлигини айтиб ўтмоқчимиз. Зоминдаги Пишоғор ва Аччи Даштабод ҳудудларида қирқ уруғи вакиллари ва уларнинг кўплаб 7 отаси бир бўлган, яъни турли шохларга бўлинган тўплари истиқомат қилишади. Бу қишлоқларда қирқ уруғининг *кўса, эшак увру, дувона, ўтасори* каби бир қанча тўплари ҳам айнан мана шу вақтларда кўчиб келиб жойлашганлар. Асосан чорвачилик билан шуғулланиб янги жойларни ўзлаштиришган[25]. Бундай номлар билан аталадиган аҳоли асосан бир ҳудудда яшашган улар ўзларининг тўпи билан умумий номланган бўлган. Масалан тўй ёки маракага келганда “кўсалар келди” ёки “сорилар келди” каби иборалар ишлатилган.

1920 йилдаги аҳолини рўйхатга олинишига қарайдиган бўлсак, Самарқанд округининг Жиззах воҳаси билан чегарадош учта ғарбий туманларида 92 бовли ўзбек уруғларидан бири бўлган қирқларнинг 13 мингга яқин вакили яшаганлиги маълум бўлади[26]. Бу нарса шундан дарак берадики, ўлкада бўлаётган ҳар қандай ижтимоий сиёсий жараёнларда қирқ уруғининг иштирокисиз тасавур қилиб бўлмаган. 1926 йилга аҳолини рўйхатга олиш маълумотларида эса уруғнинг жаъми азолари сони 20 минг нафар қилиб кўрсатиб ўтилган.

Биз қирқларнинг Жиззах воҳаси тоғ ва тоғолди ҳудудларига ҳамда Зарафшон воҳаси тоғ тизмалари орқали кириб келганлигини ва бу ҳудудлардаги яйловларни ўзларининг чорвалари учун Самарқанд ҳукумдорларидан сотиб олганлиги ҳақидаги маълумотларни дала этнографик тадқиқотларимиз жараёнида гувоҳи бўлдик[27]. Н. Вирскийнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, XIX аср охири – XX аср бошларида Жиззах уездининг Янги Қўрғон волостида бундай турдаги яйловларнинг 5 таси мавжуд бўлганлигини кўришимиз мумкин[28]. Жумладан, биринчи яйлов Ўдамали ва Бешкурук (Қорақишлоқ) қишлоқлари яқинида жойлашган бўлиб, мазкур ҳудуд Байбул Булоқ, Катта-Булоқ, Оқчағал ва Ўрта Булоқ (бу номлар Ўдамали қишлоғидаги қирқ уруғи тўпларининг номларидир – Қ.А.) номли жойлар билан чегарадош бўлган ва майдони 980 десятинни ташкил этган. Яйлов Ўдамали ва Қора қишлоқ аҳолиси томонидан жамоавий тарзда авлоддан-авлодга ўтиш орқали эгалик қилинган.

Қирқ уруғига доим қўшни бўлиб воҳада яшаб келаётган яна бир уруғ қанғли уруғидир. XIX аср охири ва XX аср бошларида ўзбек халқи таркибида қанғлиларнинг хозирги авлодлари тўғрисидаги кўпгина маълумотлар атоқли ўзбек этнолог олими академик К.Ш. Шониёзовнинг шу масалага доир фундаментал тадқиқотлари ва асарларида учрайди. Қанғлилар 92 бовли ўзбек элатлари қаторида қадимги, илк ўрта асрлар ва ундан кейин Ўзбекистон ҳудудида яшаган бошқа уруғ вакиллари қаторида ўзбек халқининг этник тарихида муҳим роль ўйнайди. Тадқиқотчилар Ф.С. Толипов, Ф.М. Рустамовалар К.Шониёзовнинг тадқиқотларига таяниб, воҳага XIX аср охири ва XX аср бошларида қанғлиларнинг катта гуруҳи Нурота воҳасининг Ғаллаорол туманидаги ва Жиззах шаҳри яқинидаги 2 та қанғли қишлоқларида, шунингдек Ширконли қишлоғида ҳамда Нуротага туташ Хатирчи туманида тарқалганлар[29] деган фикрларини айтиб ўтишади.

Бу фикрларни инкор қилмаган ҳолда шуни қўшимча қилишимиз мумкинки, қанғли уруғи вакиллари Бахмал ва Зомин туманларидаги ҳозир мавжуд бўлган шу уруғ номи билан аталиб, этнотопонимга айланган қишлоқларига XIX аср охири – XX аср бошларида келган бўлиши керак. Ширконли қишлоғида яшаётган қанғлилар аслида қанғлиларнинг бир тармоғи ҳисобланган Шер қанғли тўпи вакиллари яшайдиган ҳудуд бўлган ва вақт ўтиши билан тўп номи этнотопонимга айланган. Ғаллаорол туманига яқин бўлган Қанғли номи билан аталувчи иккита қишлоқда (ҳозир бу қишлоқлар Қанғли-1 ва Қанғли-2 деб юритилади) ҳамда Маданият (Сассиқ) қишлоқларида қанғли уруғи вакиллари бугунги кунда ҳам ўзларининг 7 отаси бир бўлган ва шу отадан тарқалганлар алоҳида тўп бўлиб ёки уруғнинг ичидаги шохга бўлиниб яшашилади. Рус тадқиқотчилари В.В. Радлов ва Аристовлар қанғлиларни Жиззах воҳасидаги кичик қабилалар деб аташганлигини ҳам уруғнинг ўша вақтда бир қанча сон жихатдан камчиликни ташкил этганлигидан далолат беради. Вирский Н.М. нинг келтирган маълумотларида ҳам қанғлилар Янгиқўрғон туманининг Қанғли-1 ва Қанғли-2, Сассиқ, Тутли, Кўкғумбаз, Гулқишлоқ деган қишлоқларида жами 1024 та 576 та эркак 448 та аёл киши яшаган бўлган. Қирқлар эса сон жихатдан кўп бўлиб улар бугунги Ғаллаорол тумани ва Бахмал туманида Сангзор дарёси бўйлаб кенг чўзилган ҳудудларда яшаганлигини такидлаб ўтади[30]. Яна бир тадқиқотчи А.И. Шевяков Ғаллаоролда яшаётган қанғлилар бош қабила гуруҳи сифатида Сарик қанғлилардан келиб чиққан бўлиб, улар *мечкай тўп*, *эрганакли тўп*, *бешкал тўп*, *заргар тўп*, *йўлдошбек*, *давронбек*, *сарой куёвли*, *болғали* уруғ шохобчаларини ташкил этади[31], деб такидлайди. Бу каби маълумотларни К. Шониёзов ҳам ўзининг фундаментал тадқиқотлари ва монографияларида келтириб ўтган[32].

Бундай уруғнинг турли тўпларининг номланишида воҳада яшаётган юз, сарой уруғи таркибидаги бўлинишларга ўхшаш номлар ҳам учрайди. Шунингдек, қанғлиларнинг Нурота воҳасида тарқилиши бўйича дала этнографик изланишларини олиб борган тадқиқотчилар Ф.С. Толипов, Ф.М. Рустамовалар ҳам ўзларининг бир қанча фикрларини бериб ўтади[33]. Биз ўрганаётган воҳа уруғ қабила гуруҳларининг айримларини К. Шониёзов ҳам Ўзбекистон ҳудудидаги қанғлиларнинг кичик уруғ шохобчалари таркибида келтириб ўтади. Бу қишлоқларда олиб борган дала этнографик тадқиқотларимизга кўра, уруғ оқсоқолларидан бири бўлган Баҳром Абдуҳолиқов қанғлилар жаъми 5 та катта гуруҳга бўлинади: булар – *биринчи қанғлилар*, *иккинчи қанғлилар*, *тутли қанғлилар*, *маданият қанғли*, *шер қанғлилар*. Унинг айтишича, булар ҳам ўз навбатида кичик кичик 7

отаси бир бўлган ҳолда алоҳида тўпларга ёки шохларга бўлиниб кетади. Масалан *тойлоқ тўп, шоноз тўп, мулла жайнар, нортот тўп, мулла турон тўп, бек тўп* кабилар. Фикримизча, бу уруғларнинг ўзбек халқи таркибига кирган кўпгина катта-кичик этник гуруҳлари билан аралашиб кетиши ёки маълум ҳудудлар доирасидаги этно-маданий жараёнларда қатнашуви табиий жараён бўлган.

Қанғли уруғи ичидаги тўпларнинг номларига қараганимизда ҳам бошқа уруғлар таркибидаги бўлинишларга ўхшаш бўлганлигини кузатамиз. Жиззах воҳаси ҳудудларига бизнингча ушбу этник компонентлар бир вақтда келиб жойлашган ва шу вақтлар оралиғида ўзаро ҳамжихатликда яшашган. Зомин тумани ҳудудидаги Қанғли қишлоғига эса бу уруғларнинг келиб жойлашуви ҳам айнан мана шу вақтлар оралиғида бўлган бўлса керак. Ғаллаорол тумани ҳудудида яшаётган қанғлилар ўзларини сариқ қанғлилардан эканликларини такидлашади. Сариқ қанғлилар энг асосий ўзак қанғли эканлигини этироф этишади деб такидлаб ўтган Нурота воҳаси қанғлиларини ўрганган бир қатор тадқиқотчилар[34]. Зомин туманидаги Қанғли қишлоғида яшаётган уруғнинг кекса вакиллари оғзаки ахборотида кўра, бу қишлоқдаги қанғлилар 3 та катта гуруҳга бўлинади.

Туркистон ва Моргузар тоғларининг атрофларидаги тоғолди ҳудудлари чорва учун, бу тоғлардан оқиб тушувчи жилға ва сойлардан хосил бўлган Санзор ва Зоминсув, Равотсой, Пшағорсой, Хўжамушкентсой, Бешбулоксой ва бошқа сув оқадиган сойлар атрофлари суғорма деҳқончилик учун шунингдек воҳадаги дашт ва текислик ҳудудларидаги лалмикор ерлардан деҳқончилик учун уруғ бу уруғ вакиллари фойдаланиб ўзига ҳос деҳқончилик ананаларига асос солишган. Бу уруғларнинг бир қанча вакиллари чорвачилик, яна бир қанчаси ярим ўтроқ, ўтроқ деҳқончилик хўжалиги турлари билан доимо машғул бўлишган. Мана шундай хўжаликлар билан шуғулланиб келган қирқлар ва қанғлилар воҳанинг бошқа этнослари ва этник гуруҳлари билан маълум ҳудуд доирасида муштарак этник алоқаларда бўлиб келган. Бу жараёнлар айниқса бу икки уруғнинг доимо яқин бир бирига қўшни бўлиб яшаганлиги ва уларнинг ичидаги тўпларнинг номланишида ҳам ўхшашликлар борлиги билан ҳарактерланади. Зеро этноснинг шаклланишидаги асосий жараёнлардан бири, унинг ички иқтисодий бирлиги ҳисобланади. Академик К. Шониёзов ҳам ўзининг тадқиқотларида бир тилда сўзлашувчи халқларнинг алоҳида этник уюшма бўлиб бирлашишлари учун кўп йиллар давомида бир ҳудудда яшаб, ўзаро хўжалик алоқада бўлишлари муҳим аломат ҳисобланади деб такидлаб ўтганлиги ҳам фикримиз далилидир[35]. XIX аср охири – XX аср бошларида бу икки уруғнинг анъанавий дашт-адир чорвачилиги бошқа хўжалик турларига қараганда юқорирок ўринда турган бўлсада, Туркистон, Моргузар, Қўйтош тоғларининг этакларидаги булоқларнинг атрофлари, ва турли сой ва жилғалар бўйлари ҳамда сув хавзаларида қирқ ва қанғлилар кундалик истеъмол қилиш учун кунжут, буғдой, тарик, масар (махсар) экканлар; узум, қовун, тарвуз, етиштирилган, сут, жун, гўшт учун қўй, туя, бия боқилган. Н.М. Вирский бу ҳақда кўплаб маълумотларни келтириб ўтган[36]. Шунингдек А. Базарбаев ва А. Бабабековларнинг тадқиқотларида ҳам хўжалик турлари ва уларнинг майдонлари тўғрисида бир қанча маълумотлар келтириб ўтилган[37]. Хўжаликнинг бу турлари, минтақанинг суғорма деҳқончилиги ва дашт яйлов чорвачилиги ўзаро бир-бирини тўлдириб уйғунлаштириши натижасида бу уруғларга ёндош қўшни бўлиб яшаган бошқа этник гуруҳларнинг (турк, туркман, юз, сарой, найман, манғит каби

Ўзбек уруғлари ҳамда қирғиз, тожик ва бошқалар ўртасида) ўзаро иқтисодий-маданий алоқаларни юзага келтирган. Бу эса воҳада янги ўзига хос ҳўжалик-маданий типни шаклланишига туртки бўлган. Айнан мана шу даврларда қирқ ва қанғиллар воҳанинг бошқа уруғлари, хусусан, ўзбек туркманлари, сарой ва юзлар билан жадал иқтисодий-маданий муносабатлар ўрнатадилар. Бу каби ўзаро яқинликлар қуда-андачилик орқали ҳам янада мустаҳкамланган. Натижада бу уруғларнинг ичидаги ўзаро шохларга бўлинишидаги ўхшашликлар келиб чиққан яни уруғнинг ичидаги аёл кишининг уруғининг номлари билан аталиш ҳолатлари ҳам кузатилади.

Хулоса. XX асрнинг иккинчи яримидан сўнг аҳоли сонининг ошиши, янги ерларнинг муттасил ўзлаштирилиши (озуқа танқислиги) ва асосан Мирзачўл ва Сирдарё чўллариға қанғли ва қирқларнинг катта қисмининг янги ерларға кўчиб ўтишларига, бир қисмининг шаҳарларға жойлашишларига имкон туғилди. Натижада бу уруғлар ва уларнинг ичидаги тўплар номи билан аталадиган аҳоли манзилгоҳлари вужудға кела бошлади. Бу каби аҳоли манзилгоҳлари Жиззах воҳаси чўл ҳудудларининг ўзлаштирилиши натижасида кўплаб оилаларнинг янги ташкил этилган, Дўстлик, Арнасой, Пахтакор, Зарбдор, Зафаробод, Оқолтин, Боёвут, Сардоба, Сайхунобод туманларига кўчиб келиши натижасида пайдо бўлди. Бу туманлардаги бази аҳоли пунктларида ҳозирги кунда ҳам қирқ ва қанғли ва бошқа уруғларнинг жамоа-жамоа бўлиб жойлашган қон-қариндош уюшмаларини учратиш мумкин. Бундай этноним билан боғлиқ бўлган аҳоли турар жойлари Дўстлик, Сардоба, Оқолтин, Сайхунобод ва Сардоба туманларидаги Қирққишлоқ, Чубар, Барлос, Боёвут туманида «Қанғли» Сирғали, Бетжуз, Парчаюз, номли маҳалла-этник гуруҳ мавжудлиги яққол мисолдир. Бу уруғларнинг жойлашув ўрни ва уларнинг этник мансублиги масаласини ўрганган тадқиқотчилар, қанғиллар аслида қирқлар каби қипчоқ лаҳжасида сўзлашмаган, улар қарлуқ лаҳжасида сўзлашган[38] вақт ўтиши билан ўзаро яқинлик асосида уларнинг сўзлашувларида ўзаро яқинликни юзага келтирган дея такидлашади. Юқорида келтирилган маълумотлар асосида шуни қайд этиш зарурки, қирқ ва қанғиллар воҳа ҳудудлари бўйлаб кенг ҳудудларға бирин-кетин кириб келиб жойлашган бўлган. Улар турли-туман этник компонентлар билан фаол этно-маданий алоқалар ўрнатиб, ўзбек халқи этник тарихида муҳим ўринни эгаллаган. Хулоса қилиб, шуни қайд этиш зарурки, ўрта асрларнинг сўнги даврларида ва янги давр бошларида воҳаға кириб келган бу каби уруғ ва қабилалар доимий яшаш учун ўзларининг манзилларига асос сола бошлашган. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларидан Жиззах воҳасиға келиб ўтроқлашган қирқ, юз, сарой, балхи ва шимолий ҳудудлар орқали ўзаро ички ва ташқи омиллар асосида кўчган қадимий қанғли уруғи вакиллари ўзларининг бир қанча этник аломатларини сақлаган ҳолда бир қанча этнографик гуруҳлар билан биргаликда яшаганлар. XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Ўзбекистон этномаданий муҳитида содир бўлган этник жараёнлар натижасида ўзбек миллатининг таркибига сингиб, унинг таркибий бир қисмиға айланганлар.

REFERENCES

1. “Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи концепцияси” // Ўзбекистон тарихи. – Тошкент, 1999. – № 1. – Б. 31-34.
2. Абу Райхан Беруни. Индия. Избранные произведения. Т. II. – Т., 1963. – С. 272-274, 430; Абу Райхон Беруний. Хиндистон / Танланган асарлар. 2-том. – Т., 1965. – 373-468

- бетлар; Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. Т II. – М-Л., 1950. – С 150-187; Аристов Н.А Заметки об этническом составе тюркских племен и народностей и сведения об их численности // Живая старина. отделения этнографии РГО. Вып III-IV. – СПб., 1896. – С. 292-314; Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Т I. – М., 1963. – С. 435-481; Кляшторный С.Г. Кангиюйская этнотопонимика в орхонских текстах // СЭ 1951 № 3. – С. 54-64; Шониёзов К.Ш. Қанғ давлати ва қанғлар. – Т., 1990. – 26-148 бетлар; Зуев. Ю. А. Ранние тюрки: очерки, истории и идеологии – Алматы, 2002.
3. Султанов Т.И. Опыт анализа традиционных списков 92 «племен илатийа». // Средняя Азия в древности и средневековье (история и культура). М., 1977, с.1741
 4. Валиханов Ч., Избранные произведения. Алматы: Арыс, 2009, с.131
 5. Арапов Д. Ю., Наливкин В. П., Поляков С. П. Мусульманская Средняя Азия: традиционализм и XX век. — РАН, 2004. — С. 25. — 281 с.
 6. Губаева С.С. Этнический состав населения Ферганы в конце XIX - начале XXв. Т.,1983, с.64
 7. Андреев М.С., Чехович О.Д. Арк (кремль) Бухары в конце XIX – начале XX вв. Д., 1972.
 8. Сўлоқой дебонбеги шажараси Т.2015.
 9. Соболев Л.Н. Географические и статистические сведения о Зеравшанском округе с приложением списка населенных мест округа. // Записки императорского русского географического общества по отделению статистики. Т.4. Спб., 1874, с.629
 10. В.Радлов Средний Зарафшанский долину 1880
 11. Аристов А.Труды по истории и этническому составу тюркских племен 423 Бишкек 2003
 12. Дониёров Х. Узбек халкининг шажара ва шевалари. Т., «Фан». 1968, с.86
 13. Дониёров Х. Узбек халкининг шажара ва шевалари. Т., «Фан». 1968, с.86
 14. Қ.Алманов. Жиззах воҳаси жой номларининг шаклланишида этноним, патроним ва касб-кор номларининг тугган ўрни. <https://shosh.uz/>
 15. Р.Мирзо.Сўлоқой дебонбеги шажараси Т. 2016 й.- Б.12-13.
 16. Вирский Н.М. Очерк Яны-Курганской волости Джизакского уезда Самаркандской области / Справочная книжка Самаркандской области. Выпуск X. – Самарканд,1912. – С.25.
 17. Дала тадқиқоти Бахмал туманидаги Ўдамали, Балхи, Чубар қишлоғи оқсоқоллари А.Каттабеков, О.Алманов, Э.Қиличбоевларнинг маълумотлари 2022 йил.
 18. Вирский Н.М. Очерк Яны-Курганской волости Джизакского уезда Самаркандской области / Справочная книжка Самаркандской области. Выпуск X. – Самарканд,1912. – С.25.
 19. Р.Мирзо Сўлоқой дебонбеги шажараси Т.2016
 20. Туйчиев У. История расселения народов Узбекистана(по данным топонимии Зарафшанской долины). Автореф. канд.ист. наук. – Ташкент: ИИ АНРУз. 1990. –С. 15-21; Маликов А.М. Тюркские этнонимы и этнотопонимы долины Зерафшана (XVIII – начало XX в.). – Т., 2018. – С. 144-184, 154.
 21. Вирский Н.М. Очерк Яны-Курганской волости Джизакского уезда Самаркандской области / Справочная книжка Самаркандской области. Выпуск X. – Самарканд,1912. – С.25.

22. Вирский Н.М. Очерк Яны-Курганской волости Джизакского уезда Самаркандской области / Справочная книжка Самаркандской области. Выпуск X. – Самарканд,1912. – С.25.
23. 1925 йил туғилган Қаршибой Мамиров бободан О.Мамиров эшитганлари асосида 2022 йил.
24. Материалы по районированию Средней Азии. Кн.1. Территория и население Бухары и Хорезма. Часть 1. Бухара. Т.,1926,с.203
25. Дала маълумоти Баҳмал тумани Чубар қишлоғи 2020 йил
26. Вирский Н.М. Очерк Яны-Курганской волости Джизакского уезда Самаркандской области / Справочная книжка Самаркандской области. Выпуск X. – Самарканд,1912. – С.25.
27. Ф.С. Толипов, Ф.М. Рустамова. XIX аср охири XX аср бошларида Ўзбекистон этномаданий муҳитида қанғлилар (Нурота воҳаси материаллари асосида) <https://shosh.uz/xix-asr-ohiri-xx-asr-boshlarida-ozbekiston-etnomadaniy-muhitida-qanglilar-nurota-vohasi-materiallari-asosida/>
28. Вирский Н.М. Очерк Яны-Курганской волости Джизакского уезда Самаркандской области / Справочная книжка Самаркандской области. Выпуск X. – Самарканд,1912. – С.25.
29. Шевяков А.И. Этнический состав населения Нуратинских гор и прилегающих районов (Материалы полевых исследований 1989-1998 гг.) // Восток. М., 2002. – С. 76-78
30. Шониёзов К.Ш. Қанғ давлати ва қанғлилар. Тошкент, 1990, 138- 143бет
31. Ф.С. Толипов, Ф.М. Рустамова. XIX аср охири XX аср бошларида Ўзбекистон этномаданий муҳитида қанғлилар (Нурота воҳаси материаллари асосида) <https://shosh.uz/xix-asr-ohiri-xx-asr-boshlarida-ozbekiston-etnomadaniy-muhitida-qanglilar-nurota-vohasi-materiallari-asosida/>
32. Ф.С. Толипов, Ф.М. Рустамова. XIX аср охири XX аср бошларида Ўзбекистон этномаданий муҳитида қанғлилар (Нурота воҳаси материаллари асосида) <https://shosh.uz/xix-asr-ohiri-xx-asr-boshlarida-ozbekiston-etnomadaniy-muhitida-qanglilar-nurota-vohasi-materiallari-asosida/>
33. Shoniyozov K.Sh. O‘zbek xalqining etnogeneziga oid ba’zi nazariy masalalar // O‘zbekistonda ijtimoiy fanlar. Toshkent, 1998 № 6 38-bet
34. Вирский Н.М. Очерк Яны-Курганской волости Джизакского уезда Самаркандской области / Справочная книжка Самаркандской области. Выпуск X. – Самарканд,1912. – С.25.
35. Базарбаев А. Жиззах воҳасида яйловлардан фойдаланиш масаласи (XIX аср охири – XX аср бошлари).. . Б. 54-55., ЎзР МДА, И-21 – жамғарма, 1 – рўйхат, 307 – йиғма жилд, 17-18 варақ орқаси. Бабабеков А. XX аср Сангзор-Зомин минтақаси аҳолисининг чорвачилиги: анъана ва новациялар // ЎзМУ хабарлари. № 1, 2. Тошкент, 2019. -Б. 5.
36. Ф.С. Толипов, Ф.М. Рустамова. XIX аср охири XX аср бошларида Ўзбекистон этномаданий муҳитида қанғлилар (Нурота воҳаси материаллари асосида) <https://shosh.uz/xix-asr-ohiri-xx-asr-boshlarida-ozbekiston-etnomadaniy-muhitida-qanglilar-nurota-vohasi-materiallari-asosida/>

37. Вирский Н.М. Очерк Яны-Курганской волости Джизакского уезда Самаркандской области / Справочная книжка Самаркандской области. Выпуск X. – Самарканд,1912. – С.25
38. Ф.С. Толипов, Ф.М. Рустамова. XIX аср охири XX аср бошларида Ўзбекистон этномаданий муҳитида қанғлилар (Нурога воҳаси материаллари асосида) <https://shosh.uz/xix-asr-ohiri-xx-asr-boshlarida-ozbekiston-etnomadaniy-muhitida-qanglilar-nurota-vohasi-materiallari-asosida/>